



# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2012-yil, 24-iyul. Seshanba 88 (31.520) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

### ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 23 ИЮЛЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИНING ЭНЕРГЕТИКА ВА КИМЁ БЎЙИЧА «САСОЛ» КОМПАНИЯЛАР ГУРУҲИ ПРЕЗИДЕНТИ ДЭВИД КОНСТЕБЛНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Учрашувда Қашқадарё вилоятида табиий газдан режалаштирилган номинал ишлаб чиқариш қуввати кунга 38 минг баррел (йилга 1,5 миллион тонна)ни ташкил этувчи «GTL» — синтетик суюқ ёнилги ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилишининг бориши муҳокама қилинди. Лойиҳа «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси, «Сасол» компанияси ва Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси иштирокида амалга оширилмоқда.

«Сасол» компанияси билан ҳамкорлик юксак кадрлигини таъкидлади. Евроосиёда ягона бўлган мазкур заводда мамлакатимизнинг бой газ ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берувчи энг замонавий инновацион технологиялар жорий этилади. Президент Ислам Каримов «GTL» лойиҳасини муваффақиятли амалга оширишни қўллаб-қувватлашни таъкидлаб, мазкур лойиҳанинг Ўзбекистон энергетика секторини ривожлантириш ва мамлакатимизни энг илғор технологияларни қўллаш борасида-

ги салоҳиятини намоиш қилишдаги аҳамиятини алоҳида қайд этди. «Сасол» компанияси раҳбари самимий қабул ва қўшма лойиҳани қўллаб-қувватлагани учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик изҳор этди. Дэвид Констебель «Сасол» компанияси портфелидаги энг асосий лойиҳалардан бўлган ушбу лойиҳани самарали амалга ошириш учун компания барча саъй-ҳаракатларини ишга солишини таъкидлади. «Сасол» компанияси президентининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида мазкур лойиҳа брендининг расмий тақдимот маросими бўлиб ўтди ва тадбирда қўшма корхона томонидан амалга оширилаётган лойиҳага «Oltin yo'l GTL» номи берилди. Шунингдек, завод майдонидан ташқи инфраструктура объектлари қурилиши бошланганига бағишланган маросим ҳам бўлиб ўтди.

ЎЗА

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2012 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган 2012 йилда иқтисодий ислоҳ қилиш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича энг муҳим устувор йўналишларни амалга оширишга доир қўрилган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришиш, иқтисодийнинг барча жабҳаларини мувозанатли ривожлантиришни таъминлаш, шунингдек, 2012 йилда асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаш учун мустаҳкам асос яратиш имконини берди.

2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастурни амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида тармоқларда таркибий ўзгаришлар жараёнлари янада чуқурлаштирилди. Ҳисобот даврида энгил саноат (ўсиш суръатлари 2011 йилнинг шу даврига қараганда 112,9 фоизни ташкил қилди), машинасозлик ва металл ишлаб чиқариш саноати (108,3 фоиз), озиқ-овқат саноати (108,3 фоиз), қурилиш материаллари саноати (106,5 фоиз), кимё ва нефть-кимё саноати (105,2 фоиз) каби тармоқларда жадал ривожланиш кузатилди.

#### I. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар

2012 йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 8,1 фоизга ошди. Иқтисодий ўсиш мамлакат макроиқтисодий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш орқали таъминланди. Бунда инфляция даражаси паст кўрсаткич — 3,4 фоизни, давлат бюджети профицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоизни ва мамлакат ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси 1,2 миллиард АҚШ долларидан ортиқни ташкил қилди.

тицион фаоллигини рағбатлантириш, жумладан, хорижий инвесторларга қўшимча равишда тақдим этилган имтиёз ва преференциялар инвестициялар ҳажмини 7,6 фоиз ва қурилиш-пудрат ишларини 8,6 фоизга кўпайтириш имконини берди.

2012 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари (2011 йилнинг шу давридагига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	108,1
Саноат маҳсулотлари ҳажми	107,0
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	107,7
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	107,1
Қурилиш ишлари	108,6
Чакана савдо айланмаси	112,5
Пулик хизматлар	116,2

#### II. Иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш, таркибий ўзгаришлар жараёнларини чуқурлаштириш ва иқтисодий диверсификация қилиш

2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини сўзсиз бажаришни ташкил этиш мақсадида ҳисобот даврида, жумладан, ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулот таннархини қисқартириш, маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни техник ҳамда технологик янгилаш, рақобатбардош маҳсулотлар экспортини кенгайтиришда корхоналарни рағбатлантириш ҳисобидан иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга қаратилган қатор дастурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

онерлар, электр дазмоллар, энергия тежайдиган лампалар, пўлат ва пўлат қувурлар, тайёр прокат, минерал ўғитлар, олтингургут кислотаси, целлюлоза, қуруқ қурилиш аралашмалари, ламинацияланган плиталар, доривор воситалар ва юқори қўшимча қийматга эга бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни сезиларли даражада кўпайтириш имконини берди. Ҳисобот даврида Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида тузилган шартнома билан доирасида инновацион технологияларидан фойдаланган ҳолда, қиймати 190 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди.

(Давоми 2-бетда.)

#### Парламентда



Муродбек ЗИЕ олган суратлар.

### ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИНГ ЯНГИ ШАКЛИ



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАР ҚҰМИТАСИНING «ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ИЖРОСИНИ ФАРФОНА ВИЛОЯТИДА ЎРГАНИШ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Молия вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат-тижорат Халқ банки вақиллари, шунингдек, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг масъул ходимлари иштирок этди.

Ийгилишида таъкидланганидек, мамлакатимизда мустақиллик йилларида шаклланиб келган ижтимоий ҳимоя тизимининг асосий мақсади аҳоли фаровонлигини янада яхшилаш, даромадлари жиҳатидан кескин тафовутларга барҳам бериш, ҳар бир фуқарога муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга ёрдам беришдан иборат. Бу борада юртимизда барча ҳуқуқий шарт-шароит яратилди. Жумладан, 2004 йилда «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қучга кириши соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

(Давоми 3-бетда.)

#### ЎзХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа

### ҚАШҚАДАРЁДА ЎТҚАЗИЛГАН ИҚТИСОДИЙ ФОРУМ

доирасида электротар вакилларига имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар топширилди

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИДА КўПЛАБ ЁШЛАР, ХОТИН-ҚИЗЛАР КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ШАРТНОМА ИМЗОЛАДИ. КўЧМА ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИДА ДЕПУТАТЛАР АҲОЛИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШДИ, АЙРИМ МУАММОЛАРНИ ТЕГИШЛИ ИДОРЛАР БИЛАН ҲАЛ ЭТАДИГАН БЎЛИШДИ.

Қамаши туманида ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Марказий банк, «Микрокредит-банк» ОАТБ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда «Электротар манфаатини ҳимоя қилиш ва улارнинг иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш» мавзусида ижтимоий-иқтисодий форум ўтказилди. Айтиш жоизки, бу каби тадбирлар партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ўтказилмоқда.

Унда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, кам таъминланган ва ёш оилалар вакиллари, ишга жойлашишда қийинчиликка дуч келадиган ҳамда жисмоний имконияти чекланган кишилар, ўз мустақил иши, оилавий тадбиркорлигини йўлга қўйиш истагида юрган фуқаролар, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, маҳаллий кенгашлар депутatlари ва партия фаоллари иштирок этди.

(Давоми 3-бетда.)

#### Бугунги сонда

##### «OLTIN YO'L GTL» ТАҚДИМОТИ

Унда мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси, «Сасол» компанияси (Жанубий Африка Республикаси) вакиллари, хорижлик мутахассислар, ОАВ ходимлари иштирок этди...

2-бет

#### Партияларро баҳс

##### Хўжаободда ЎЗМТДП ЭЛЕКТОРАТИНИНГ МУАММОЛАРИ ЙЎҚМИ?

Партия вакиллари ҳунармандчилик ва оилавий бизнесни ривожлантириш ҳисобига аҳолини иш билан таъминлашга фаол қўмақлашни ўрнига четдан кузатувчи бўлиб туришни маъқул кўришмоқда...

3-бет

#### Кўрик-танлов

##### ЯҲОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!

4-бет

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 24 ИЮЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Евро	2332,10	1 Дания кронаси	309,48	1 Хитой юани	297,68	1 Туркия лираси	1045,73
1 АҚШ доллари	1900,62	1 БАА дирҳами	517,47	1 Украина гривнаси	237,79	1 Швейцария франки	1917,49
1 Россия рубли	59,49	1 Миср фунти	313,43	1 Малайзия рингити	599,56	10 Жанубий Африка ренди	16,57
1 Австралия доллари	1959,92	1 Испания кронаси	15,27	1 Польша злотийси	551,66	10 Япония иенаси	243,23
1 Англия фунт стерлинги	2960,03	1 Канада доллари	1871,61	1 СДР	2861,82		

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2012 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Энергия ресурсларини тежаш, технологик жараёнлар, хомашё ва материалларни сарфлаш нормаларини оқилона ташкил этиш ишларини амалга ошириш ҳамда бошқа харажатларни қисқартириш ҳисобидан йирик корхоналарда маҳсулот таннархини 11,1 фоизга камайтириш ҳам саноат тармоқлари рақобатбардошлигини оширишга ёрдам берди.

Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида 3892,3 миллиард сўмлик ёки 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 25,7 фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ички ёниш двигателлари, намга чидамли, сигналли-блокировка кабеллари, 6 метр кенгликни қамраб оладиган ер текислагичлар, кристалл роданит натрий, ГРАТ 7000 насоси, пайвандлаш флюси, ҳаво ҳароратини бир хилда сақлайдиган мосламаларга эга йўловчи ташуш вагонлари, DSLAM телекоммуникация ускуналари ва ADSL моделлари каби 170 дан ортиқ янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Натижада импорт ўринини босиб бўйича ҳисоблаб чиқилган самара 2,1 миллиард долларни ташкил қилди, маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажмида экспорт улуши 24,7 фоиздан 25,3 фоизгача кўпайди.

Худудларнинг саноат салоҳиятини ошириш дастурини амалга ошириш натижасида шу йилнинг биринчи ярмида истеъмол товарларини ишлаб чиқариш 7,7 фоиз, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларини 9,3 ва ноозик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 6,4 фоизга ошди.

Пайпоқлар, чарм буюмлар, гилам ва гилам буюмлари, сирланган идишлар, гўшт, балиқ ва мева-сабзавот консервалари, сариёғ, кичик ёшдаги болалар учун куруқ сут аралашмалари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Янги турдаги кичи ювчи машиналари, микро-тўлқинли печлар, газ плиталари ва чанготтичлар, 32 номдаги янги дори воситаларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Республика иқтисодиёти тармоқлари ва худудлар экспорт салоҳиятини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида шу йилнинг биринчи ярмида LAN-кабеллар, энергия тежайдиган лампалар, юк автомобиллари, автомобиллар учун жиҳозлар, болалар велосипедлари ва ўйинчоқлари, болалар спорт кийимлари, эркаклар костюмлари, устки кийимлар, сопол плиткалар, сирка ацетальдегиди, унифлор, азот-фосфор-калийли ўғитлар, ўралган сетка ва бошқа янги турдаги товарлар экспорт қилинди.

2012 йилнинг биринчи ярмида биржа ва кўрғазма-ярмарка савдоларида умумий оборот ҳажми 8,8 фоизга ўсди. Биржа савдоларида ёнишдан ҳосил бўлган мазут, техник олтингурут, металл рух, минерал ўғитлар, полиэтилен сотиш ҳажми

анча кўпайди. Биржа савдоларида кичик бизнес субъектлари томонидан тузилган битимлар ҳажми умумий биржа айланмаси ҳажмининг 53,5 фоизини ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига кредит ажратиш ҳажмини кўпайтириш, яқка тартибдаги тадбиркорларга қўшимча имтиёз ва рағбатларни тақдим этиш эвазига ушбу соҳани ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўрилган чора-тадбирлар ҳизматлар кўрсатиш ҳажмини 14 фоизга, жумладан, пуллик ҳизматлар кўрсатиш 16,2 фоизга ошириш имконини берди. Бунинг натижасида ялпи ички маҳсулотда ҳизматлар улуши 2011 йилнинг биринчи ярмидаги 48,3 фоиз ўрнига 52,2 фоизни ташкил қилди. Ҳисобот даврида алоқа ва ахборотлаштириш (2011 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 26,9 фоиз), саноат (22,8 фоиз), маийши (22,6 фоиз) ва молия ҳизматлари (16 фоиз) ривожланди.

2012 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, банк тизими ресурс базасини кенгайтириш ва банкларнинг инвестиция фаоллигини кучайтириш доирасида банк тизимининг жами капиталли 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 24,2 фоизга, уларнинг жами активлари 30,3 фоизга, миқдорларнинг банкдаги жалб этилган депозитлари 30,5 фоизга ошди.

### III. Фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва технологик янгилаш жараёнларини жадаллаштириш

Жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиётда ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 9979,6 миллиард сўмни ташкил қилди ва солиштирма нархларда 7,6 фоизга ошди. Корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми 2011 йилнинг шу даврига қараганда 1,3 баробар, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди кредитлари ҳисобидан 1,5 баробар, Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш жамғармаси кредитлари ҳисобидан 5,2 баробар, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1,3 баробар ўсди.

Тижорат банклари ресурс базасининг кўпайиши иқтисодиёт реал сектори корхоналарига кредит ажратиш ҳажмини 1,3 баробар ошириш имконини берди. Бунда муддати бир йилдан ортиқ узок муддатли кредит қўйилмалари ҳажми ҳам 30,5 фоизга ошди. Ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш учун қиймати 2,6 триллион сўмлик кредитлар ажратилди ва бу кўрсаткич 1,3 баробар ўсди.

### Юқори технологик ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри инвестициялар сарфлаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган 4434-фармони билан хорижий инвесторлар ҳамда

### хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустақамлаш орқали авваламбор, республика минтақаларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Умуман, шу йилнинг ўтган даврида мобайнида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 1 миллиард АҚШ долларидан ошди ва уларнинг 80 фоиздан ортигини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этди. Жорий йилнинг ўтган даврида 2012 йилги инвестиция дастурига киритилган 46 лойиҳа, хусусан, «Самарқанд вилоятида юк автомобиллари ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш бўйича янги комплексни ташкил этиш (II-босқич — йиғиш корхонаси)», «Қалмақир қонини кенгайтириш ва реконструкция қилиш», «Хизмат кўрсатиладиган кальцийли батареялар ишлаб чиқариш ширкати ташкил этиш», «Радиаторлар, сунъий ҳаво ҳосил қилиш, шамолатлаш ва иситиш тизимларини ишлаб чиқариш ширкати ташкил қилиш», «Технологик жиҳозлар, штампалар ва қўйма шакллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш», «Автомобиль бўтулчи қисмларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш», «Осборн Текстиль» хорижий корхонасида йиғирув ишлаб чиқаришни ташкил этиш», «Бухоро энержо текстиль» масъулияти чекланган жамъиятини модернизация қилиш», «Навоий шахри аэропортидаги йўловчи терминалини реконструкция қилиш», «Куйи-Мозор» 220 кВли кичик станцияни реконструкция қилиш», «220 кВ юқори вольтли линияга эга «Иштихон» 220 кВли кичик станция ҳамда 110 кВ юқори вольтли линияга эга 110 кВли «Кон-руда» кичик станциясини қуриш ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш ниятига етказилди.

Умуман, республика бўйича 2012 йилнинг биринчи ярмида энгил, озиқ-овқат, кимё саноати, ёғочни қайта ишлаш саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати, машина-созлик саноатида ва бошқа соҳаларда жами 530 дан ортиқ ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Шу йилнинг биринчи ярмида яқунлари бўйича «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан умумий қиймати 25,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. «УзИраеКейбл» қўшма корхонасини негизида аккумулятор ўтказгичларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш» лойиҳасини амалга ошириш ишлари яқунланди.

Ҳисобот даврида қишлоқ хўжалигини техник ва технология янгиллаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар давом эттирилди. Хусусан, ушбу соҳа субъектларига лизинг асосида 546 та қишлоқ хўжалиқ техникаси, шу жумладан, «ТЛ-100», «Арион-630С», «ТС-135» маркали тракторлар, транспорт ва шудгорлаш тракторлари, «Доминатор-130» галла ўриш комбайнлари етказиб берилди.

Сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастури доирасида умумий узунлиги 7,4 минг километрлик хўжалиқларро ва хўжалиқлар ичидаги коллектор-дренаж тармоғи, шунингдек, 8 мелиорация насос станцияси, 391 сўғориш қудуқлари тикланди, узунлиги 434,5 километрлик коллекторлар, 81 вертикал дренаж қудуқлари ва 8,39 километрлик ёпиқ коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва қайта тиклаш ишлари яқунланди.

7,6 минг гектарлик майдонда янги боғлар, шу жумладан, 2,6 минг гектар майдонда интенсив боғлар, 3,8 минг гектар майдонда тоқзорлар барпо этилди, 8,5 минг гектар майдонда боғлар ва 6 минг гектар майдонда тоқзорлар қайта тикланди. Шахсий томорқа хўжалиқларининг 266,8 гектарлик майдонда 9456 исчиқхона ташкил қилинди. Ҳисобот даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш бўйича қишлоқ хўжалиқ корхоналарининг моддий-техника базасини мустақамлаш мақсадида 6,3 минг тонна сизимга эга 22 янги совутиш камералари ишга туширилди ҳамда 2 минг тонна сизимга эга 3 совутиш камералари қайта тикланди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида шу йилнинг биринчи ярмида 1917,2 минг тонна сабзавот (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,5 фоиз), 983,8 минг тонна картошка (112,5 фоиз), 120,9 минг тонна полиз экинлари (112,2 фоиз), 642,8 минг тонна мева (110,4 фоиз), 17,6 минг тонна узум (112,5 фоиз) етиштирилди. Қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларининг ҳажми ҳам 11,7 фоиз, шу жумладан, сабзавотларни қайта ишлаш — 14,4 фоизга, меваларни қайта ишлаш 7,7 фоизга ортиди.

Ҳисобот даврида қорвачиликни ривожлантириш мақсадида 11,8 минг бош қорамол парвартиш қилиш бўйича 406 қорвачилик, 2 миллион товуқ парвартиш қилиш бўйича 336 паррандачилик, 333 асаларчилик, 359 балиқчилик хўжалиқлари, улардан 342 таси сунъий ҳавазаларда ташкил этилди. Тижорат банклари шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларига қорва моллари сотиб олиш учун қиймати 38,6 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратди.

Натижада қорамоллар умумий сони 6,3 фоизга кўпайди ҳамда 9783,3 минг бошга етди. Жорий йилнинг биринчи ярмида 2011 йилнинг шу даврига нисбатан гўшт ва сүт етиштириш ҳажми 7 фоиз ортиди, 1936,2 миллион дона туҳум (16,8 фоиз кўп) етиштирилди.

### IV. Инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини жадал ривожлантириш

Шу йилнинг биринчи ярмида 2012 йилнинг инвестиция дастурига киритилган йўл қурилиш объектилари бўйича 153,3 километр умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилди, шундан 126,3 километр автомобиль йўлига асфальт-бетон қопламасини ётқизиш ва 27 километрида икки полосали цемент-бетон йўл қуриш ишлари амалга оширилди.

«2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги дастури амалга ошириш доирасида ҳисобот даврида 115 километрлик темир йўл қайта қурилди, 225 та юк ва 10 та йўловчи ташувчи вагон тайёрланди, битта йўловчи локомотиви харид қилинди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан иккита янги Boeing-767-300ER самолётларини эксплуатация қилиш бошланди. Навоий шаҳри аэропортида йўловчилар терминалини реконструкция қилиш доирасида умумқурилиш ишлари ва ички муҳандислик тармоқларини ётқизиш ишлари яқунланди. «Ангрэн» логистика маркази» ЕАЖнинг самарали фаолиятини таъминлаш бўйича амалга оширилган чоралар «Қамчиқ» домини орқали юк ташуш ҳажмини 1,3 баробар ошириш имконини берди.

Натижада шу йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу даврига қараганда темир йўл транспортида юк ва йўловчи ташуши айланмаси тегишли равишда 4,1 ва 15,3 фоизга ошди. Йўловчиларни ҳаво транспортида ташуш ҳажми 17,6 фоизга, бир рейсда унадиган ўртача йўловчиларнинг сони 13 фоизга кўпайди.

Ҳисобот даврида аҳолининг тоза ичимлик сувидан фойдаланишини яхшилаш ишлари давом эттирилди, бунинг оқибатида умуман республика бўйлаб 980,9 километр сув узатиш тармоқлари фойдаланишга топширилди, шундан 865 километр қишлоқ жойларига тўғри келади. 143 қишлоқ аҳоли яшаш пунктларига 158,3 километрлик сув таъминоти тизимлари тикланди.

Тура-жой қурилиш учун хомашё базасини кенгайтириш мақсадида маҳаллий хомашё ва компонентлардан фойдаланган ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган 101 янги корхона ишга туширилди. Жумладан, Қашқадар ва Сирдарё вилоятларида 20 минг куб метр замонавий пенебетон маҳсулотларини ишлаб чиқариш, Ташкил цент вилоятида 72 минг квадрат метр ламинат ва МДФ ишлаб чиқариш, Фарғона вилоятида 70 минг тонна цемент ишлаб чиқариш, 47,9 миллион донна гишт ишлаб чиқариш бўйича қувватлар ишга туширилди. Бундан ташқари, пишиқ гишт ишлаб чиқариш бўйича 12 корхона модернизация қилинди.

### V. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, максимал даражада қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш

Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишбилармонлик муҳитини тақомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши шу йилнинг биринчи ярмида 13 мингта янги кичик бизнес субъектларининг (фермер хўжалиқларини ҳисобга олганда) яратилишига кўмаклашди. Айна вақтда кичик бизнес субъектларининг аксарияти (64,6 фоизи) ишлаб чиқариш тармоқларида ташкил этилди.

Кичик ишлаб чиқаришларни ташкил этишга кўмаклашиш

мақсадида ҳисобот даврида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига умумий қиймати 6,3 миллиард сўмлик 35 давлат активлари сотилди, 14 мингга яқин фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари ижарага берилди. Шу билан бир қаторда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар кўп ҳажмда кредит ва микрокредитлар ажратилди.

Жорий йилнинг бошидан кичик бизнес субъектларида амалга оширилган давлат харидлари ҳажми 122,3 миллиард сўмни ёки электрон савдолар орқали амалга оширилган давлат харидлари умумий ҳажмининг 92 фоизини ташкил этди. Давлат харидлари тизимида ўз маҳсулот ва хизматлар билан 132,2 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари иштирок этди.

Кичик бизнес корхоналари маҳсулотлари экспортини кенгайтиришни рағбатлантириш борасида қўрилган чора-тадбирлар натижасида ҳисобот даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 1087,5 миллион долларлик ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,1 фоиз кўп товар ва хизматлар экспорт қилинди.

Умуман олганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирларнинг кичик бизнес улushi шунинг йлпи ички маҳсулотда — 42,6 фоизгача (2011 йилнинг биринчи ярмидаги 42,2 фоиз ўрнига), саноатда — 21,2 фоизгача (18,6 фоиз), инвестициялар бўйича — 35,4 фоизгача (30,3 фоиз), қурилишда — 75,1 фоизгача (70 фоиз), экспортда — 15,2 фоизгача (13,5 фоиз), бандлик соҳасида — 74,7 фоизгача (74,1 фоиз) ошмишида ўзифодасини топди.

### VI. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини изчил ошириш

Иш ўринлари яратиш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярми давомида республика бўйича 510,5 минг янги иш ўринлари яратилди. Шундан 345 мингдан ортиги (67,6 фоиз) қишлоқ жойларига, жумладан, 62,7 мингтаси ортиқча ички кучи мавжуд бўлган 28 туманда ташкил этилди.

2011/2012 ўқув йилида коллежларни тамомлаган битирувчилар бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар доирасида 501,5 минг битирувчи «колледж-корхона» тизими бўйича 92,9 мингта корхона ва ташкилотга бириктирилди, 97,3 минг битирувчи билан ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва кейинчалик аниқ корхона ва ташкилотларда ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартномалар имзоланди. «Мустақам оила йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ҳисобот даврида оилавий тадбиркорликни иқтисодиётнинг турли соҳаларида

рағбатлантириш, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш ва оилалар ижтимоий-маийши шароитларини яхшилашга қаратилган қўнуччилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Оилавий корхонанинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, меҳнат муносабатлари ва давлат томонидан қўллаб-қувватланишини юридик жиҳатдан мустақамлайдиган Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан 2012-2013 йилларда шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар посёлкаларида кўп хонадонли уйлارни қуриш ва реконструкция қилиш дастури тасдиқланди.

Биринчи ярим йиллик давомида ёш оилаларга умумий қиймати 14 миллиард сўмлик имтиёзли истеъмол ва ипотека кредитлари, жумладан, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратилди. Умуман «Мустақам оила йили» Давлат дастурини амалга ошириш учун шу йилнинг ўтган даврида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1,1 триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Аҳоли даромадларининг ўсишига яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қайд этилган солиқ ставкаларини пасайтириш, меҳнат ҳақи тўлаш бўйича Ягона тариф сеткасида нул разряднинг бекор қилиниши ҳамда республиканинг барча ташкилотларида биринчи разряддан кам бўлмаган миқдорда меҳнат ҳақи тўлашнинг белгиланиши рағбатлантирувчи таъсир қўрсатди. Натижада ҳисобот даврида ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 19,4 фоизга ўсиш ва бу аҳоли умумий даромадларининг 1 ярим йилликда 26,1 фоиз ўсишини таъминлаш имконини берди.

2012 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини изчил, аниқ мақсадида амалга оширилиши, шунингдек, ҳақон иқтисодиётда давом этаётган иқтисодий ҳодисаларнинг оқибатларини юмшатиш ва таъсирини бартараф қилиш бўйича тезкор чора-тадбирларнинг қабул қилиниши 2012 йилнинг биринчи ярмида иқтисодиётнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва макрroiқтисодий барқарорликни янада мустақамлаш имконини берди.

Исҳоотлар миқёсини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш жараёнларини жадаллаштириш, максимал даражада қулай ишбилармонлик ва сармоёвий муҳитни яратишга қаратилган иқтисодиёт рақобатбардошлигини янада таъминлаш, мамлакатимиз аҳолиси бандлиги ва даромадларини ошириш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини 2012 йилда барқарор ривожлантиришни таъминлашга доир асосий вазифалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

(Давоми. Боши 1-бетда.)

## «OLTIN YO‘L GTL» ТАҚДИМОТИ

«Ўзэкспомарказ»да 23 июль куни мамлакатимизда синтетик суюқ ёнилги ишлаб чиқарадиган «Ўзбекистон GTL» қўшма корхонаси — «Oltin yo‘l GTL» брендининг расмий тақдимотида бағишланган маросим бўлди.

Анжуманда мамлакатимизнинг тегишли вазирлиги ва идоралари, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси, «Сасол» компанияси (Жанубий Африка Республикаси) вақиллари, хорижлик мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Ўзбекистон мустақиллик йилларида иқтисодиётни диверсификация ва модернизация қилиш, импорт ўр-

устувор аҳамият берилмоқда. Углеводород захираларини чуқур қайта ишлашга ихтисослашган мажмуаларни барпо этишга қаратилган стратегия самарасида мамлакатимизда илгор технологияларга асосланган нефть ва газ кимёси саноати шакллантирилди. Бугунги кунда ушбу соҳа жадал ривожланмоқда. «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси Жанубий Африка Республикасининг «Сасол» компанияси ва Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси билан ҳамкорликда Шўртан газкич мажмуасида ишлаб чиқариладиган метан газини йўл қуриш ишлари амалга оширилди.

(GTL) ишлаб чиқарадиган завод қуриш бўйича йирик қўшма лойиҳани амалга оширмоқда. Маросимда «Сасол» компанияси президенти Дэвид Констебл Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш ва янада ривожлантиришга хизмат қиладиган қулай сармоёвий муҳит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Нефть-газ саноатининг янги иншоотларини барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш ишлари жадал давом этаётганига юксак баҳо берди. «Ўзэкспомарказ»даги тадбир иштирокчилари билан Қашқадарё вилоятида GTL заводи барпо этилиши белгиланган майдонда йилнинг Шўртан газ-кимё мажмуаси ва «Ўзбекистон GTL» қўшма корхонаси раҳбарлари ва мутахассислари ўртасида тўғридан-тўғри телекўприк ўрнатилди. Завод иншоотларига пойдевор қўйиш маросими бошланиши эълон қилинади. Эсдалик қабулуси иншоот пойдеворига жойланади. Лойиҳани амалга ошираётган «Ўзбекистон GTL» қўшма корхонасининг бу жараёни лойиҳалаш, муҳандислик ва қурилиш ишлари, техник хизмат кўрсатиш, техника хавфсизлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги халқаро меъёrlар ва стандартлар талабларига мос тарзда амалга ошириши белгиланган. Мазкур заводнинг ишга туширилиши табиий газни чуқур қайта ишлаш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, ёнилги сифатини яхшилаш имконини беради. Мазкур лойиҳа мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга, соҳада профессионал кадрларнинг сифат жиҳатдан янги авлоди шаклланишига хизмат қиладди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ўзга) олган сурат.



## Парламентда

**ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ****ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИНГ ЯНГИ ШАКЛИ**

**Музаффар АКРАМОВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат Халқ банки раиси ўринбосари:**

— Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши жамият ҳаётида ижтимоий ҳимоянинг янги шакли — жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими шаклланишида муҳим омил бўлди. Бу тизим энг аввало, қариялар ва ижтимоий кўмакка муҳтож бошқа шахсларнинг қўшимча мод-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

дий таъминотдан манфаат кўришига замин яратади.

2012 йил 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизда 7 миллион, Фарғона вилояти бўйича эса 700 минг нафардан зиёд фуқаро жамғариб бориладиган пенсия олувчилар рўйхатига киритилган. Қонун ҳужжатларида белгиланганидек, Халқ банки фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида йиғилган маблағларни марказлашган ҳолда узоқ мuddатли активларга инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириб келмоқда.

Йиғилиш иштирокчилари Фарғона вилоятида «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси самарадорлигини ўрганиш давомида аниқланган хато ва камчиликлар, ўз ечимини кураётган долзарб масалалар ҳақида алоҳида тўхталишди.

Хусусан, бу ерда иш берувчи томонидан мажбурий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб ва рақалари очил, уларни юритиш тартибига риоя қилиш, бадалларни тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб

чиқариш ва ўз вақтида тўланиши бўйича қатор камчиликлар борлиги, бу борадаги фаолият устидан назорат олиб борадиган молия, давлат солиқ хизмати органлари ҳамда халқ банки ўртасида ўзаро ҳамкорлик зарур даражада йўлга қўйилмаганига ургу берилди.

Қатнашчилар бу каби ҳолатларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини билдиришди. Жумладан, «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъ-

миноти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг баъзи нормаларини давр талабидан келиб чиқиб, янада такомиллаштириш, жамғариб бориладиган пенсия бадаллари маблағлари ўтказилган ходимлар реестрини ўз вақтида тақдим этмаганлиги ҳолати юзасидан назоратни ва корхона ва ташкилотларнинг мажбуриятини кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилиш якунида кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, Севара ЖУМАЕВА**

**ЎЗХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа****ҚАШҚАДАРЁДА ЎТКАЗИЛГАН ИҚТИСОДИЙ ФОРУМ**

**Доирасида электорат вакилларига имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар топширилди**

— Мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик кўп асрлик тарихга эга, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗХДП фракцияси аъзоси Комила Каримова**. — Қадимда баъзи шаҳар, қишлоқ ва маҳаллаларга Кулоллик, Заргарлик, Чармгар, Новвоилик каби номларнинг берилиши ҳам бу соҳа яхши ривожланганидан далолат беради. Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб тараққий этган давлатлари иқтисодий ётадан оилавий тадбиркорликнинг улushi юксалиб бормоқда.

Шу маънода юртимизда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим воқеа бўлди. Қонунда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида юрганларга кўплаб имтиёзлар берилган. Масалан, оила ўз ишлаб чиқариш фаолиятини яшаб турган жойида олиб бориши ҳамда маҳсулотни шу жойинг ўзида сотиши, шунингдек, улар корхона устав фондиди энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан паст бўлмаган миқдорда мустақил белгилаши мумкин.

— Ўтган йили «Олтин балиқ барака» хусусий корхонаси ташкил этган эдик. Бироқ ўз ишимизни бошлаш учун сармоя топишда биров кийналдик, — дейди **тумандаги «Олтин балиқ барака» хусусий корхонаси иш бошқарувчиси Жовли Юсупов**. — Шундан ЎЗХДП фаоллари кўмагида 6 фоизли устама билан 15 миллион сўм кредит олишга муваффақ бўлдик. Шунинг натижасида ҳозир сув ҳавзамизда балиқ парваришини йўлга қўйганмиз. Ҳадемай, маҳсулотимизни бозорга чиқарсак, қарзни узамиз, фойда ҳисобидан ишни кенгайтирамиз. Очиги, туманимизда кўлидан иш келадиган, хунарли одамлар кўп. Бироқ улар ўз бизнесини ташкил этиш учун ҳуқуқий йўл-йўриқ, маслаҳатга муҳтож. Шундан бўлса керак, кўплаб маҳаллошларим ўзларини ўйлантираётган саволларга жавоб

(Давоми. Боши 1-бетда.)



олиш учун бугунги анжуманга келишган...

— 2011 йилда партияимиз томонидан ўтказилган иқтисодий форум олдидан фаоллар, депутатлар билан маслаҳатлашиб, иқтисодий ётадан ишнинг бизнес-режаларини банклар билан ҳамкорликда ўргандик, — дейди **ЎЗХДП Яқкабоғ туман кенгаши раиси Незмат Жумаев**, — Бу саъй-ҳаракатлар беиз кетмади. Коллежларни тамомлаган 15 нафар ёшга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Ҳозирги кунга келиб, уларнинг аксари ўз ишини йўлга қўйган. Бу эса 50 дан зиёд янги иш ўринлари очилишига замин яратди. Келгусида бу ёшлар катта-катта лойиҳаларни амалга оширишига ишонаман.

— 2011-2012 ўқув йилида коллежимизда 1500 нафарга яқин ёшлар тахсил олди. Уларнинг 500 нафардан ортиги молия, бухгалтерия, тикувчилик асосларини ўрганишди, — дейди **Қамаши туманидаги педагогика-иқтисодий коллежи директори, туман кенгашидаги ЎЗХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Нормўмин Абилов**. —

Битирувчиларни ишга жойлаштириш, бизнес соҳаларини ҳаётга татбиқ этишида кўмаклашаримиз. Чунки улар орасида қобилиятлари талайгина. Бироқ ўтган йили битирувчиларимизга ўз бизнесини ташкил этишлари учун имтиёзли кредит олиб беришда қийинчиликка дуч келдик. Бойси, бизга бириктирилган банк 12 фоизлик кредит таклиф қилди. Битирувчилар эса бунга қўншмади. Бугунги анжуманда шу каби муаммоли масалаларга ижобий ечим топиш, таклиф ва тавсиялар билдириш кўзда тутилган.

— ЎЗХДП ижтимоий ҳимоянинг энг муҳим воситаси — бу аҳолини барқарор, иш билан таъминлаш, деб ҳисоблайди, — дейди **ЎЗХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева**. — Аниқ бизнес режага эга, бироқ бошлангич сармоёга муҳтож кишилар оз эмас. Шунинг учун партияимиз мутаассадлар билан ҳамкорликда

мамлакатимиз бўйлаб иқтисодий форумлар лойиҳасини амалга оширмоқда. Бу эса энг аввало, электорат манфаатига, уларнинг ўз ишини бошлашига, оиласи фаровонлигига ҳисса қўшади. Шунингдек, жойларда янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Анжуман давомида иштирокчилар тижорат банкларининг оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва микроолиявий хизматлар кўрсатишдаги ҳуқуқий асослар, оилавий бизнес, хунармандчилик ҳамда касаначилик фаолиятини ривожлантиришдаги мавжуд имтиёзлар тўғрисида йиғилишларга тушунча бериб ўтишди.

Тадбирга тайёргарлик кўриш жараёнида вилоят партия кенгаши фаоллари ва депутатлар томонидан Марказий банк ҳамда бошқа тижорат банклари кўмагида 50 нафар электорат вакиллари билан бизнес-режала-

**Юртимизда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим воқеа бўлди. Қонунда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида юрганларга кўплаб имтиёзлар берилган.**

ри ўрганилиб, улардан 10 таси истиқболли деб топилган эди. Анжуманда лойиҳа эгаларига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

— Бугунги анжуман ҳаётимизда муҳим ўрин тутди. Чунки илк бор кредит оламан, — дейди Гўзал Уроқова. — Оила аъзоларимизнинг барчаси тикувчи-хунарманд. Ишимизни кенгайтириш учун бизнес-режа тузган эдим. Бизга «Халқ банки» бўлимидан 5 миллион сўм имтиёзли кредит олиш учун сертификат берилди. Бундан жуда мамнунман.

Бундан ташқари, анжуман давомида «Меҳнат ярмаркаси» ташкил этилди. Унда вилоятдаги 120 корхона ва ташкилот 2000 мингта бўш иш ўрни билан қатнашди.

— Қарши саннат коллежини тутатганман, — дейди **Фарход Юсупов**. — Анчадан бери ўз мутахассилигимга мос келадиган иш излаётган эдим. Бугунги анжуманда кўплаб корхона ва муассасалар томонидан таклиф қилинган бўш иш ўринлари, уларнинг иқтисодий имкониятлари, ойлик маошлари билан танишдим. Шундан сўнг «Қишлоқхўжаликкимё» Қамаши туман бўлимида ишлаш учун йўлланма олдим.

Шу кун ИЎЗХДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар кўчма Жамоатчилик қабулхонасида фуқароларни қабул қилишди. Электоратни ўйлантираётган масалаларни ижобий ҳал этишда таклиф ва тавсиялар берилди.

Бундай ижтимоий-иқтисодий анжуманлар одамларнинг партияимизга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

**Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ЎЗХДП: маҳаллий кенгашларда****«ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!»**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ БАРЧА ТУМАНЛАРИДА, ШУНИНГДЕК, ТЕРМИЗ ШАҲРИДА ШУ ШИОР ОСТИДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛДИ.**

— Ёшлар қалбида она юртга муҳаббат, Ватанга садоқат туйғулари қанчалик юксак бўлса, улар мустақилликнинг қадрига шунчалик чуқур етади, уни эъозлайди, — дейди **ЎЗХДП «Истикбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими етакчиси Авазбек Омонов**. — Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишланган бугунги тадбир шу жиҳатлари билан қимматлидир. Фестиваль доирасида ўтказилган маданий-маърифий тадбирларда истеъдодли ёшлар томонидан истиқлол ғоялари акс этган қизиқарли сахна кўринишлари намойиш этилди. Бундан ташқари, интеллектуал беллашуларда ёшлар ўзларининг ижтимоий-сиёсий билимларини синаб кўришди.

— Қишлоғимиз вилоят марказидан қарийб 200 километр олисда жойлашган, — дейди **Олтинсой туманида яшовчи ёшлардан бири Шавкат Пардаев**. — Чекка ҳудуд бўлса ҳам биз ёшларнинг ўқиб-изланишимиз, ўзимиз хоҳлаган касб-хунарга эга бўлишимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу албатта, мустақиллик туғайли. Демак, шунга жавобан олдимизга катта-катта мақсадлар қўйиб яшашимиз, энг юқори марраларни забт этишга интилишимиз, юртимиз шўхратини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшимиз керак.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ**

**АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИгини ОШИРИШ**

**фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарти**

**ЎЗХДП ҚАРМАНА ТУМАН КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНГАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. ТАДБИРДА НОТАРИАЛ ТАШКИЛОТ ХОДИМЛАРИ, ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ҲАМДА ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.**

Тадбирда таъкидланганидек, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ислохотлар жараёнида уларнинг фаол иштирокчини таъминлаш фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарт ҳисобланади. Шу боис ҳам ҳукумат қарорлари ва қонунлар мазмун-моҳиятидан аҳолини тўлиқ хабардор этиш катта аҳамиятга эга.

Очиқ мулоқот давомида, электорат вакиллари «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги ҳамда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунларнинг мақсади ва моҳияти, одамларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишда мазкур қонунларнинг аҳамияти тўғрисида тушунчалар берилди.

Тадбир якунида туман кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига электорат вакиллари қилган муурожаатларни ўрганиш ва уларга ижобий ечим топиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Рустам ҲАЙИТОВ, ЎЗХДП Навоий вилоят кенгаши масъул ходими.**

**Партиялараро баҳс****Хўжаободда ЎЗМТДП ЭЛЕКТОРАТИНИНГ МУАММОЛАРИ ЙЎҚМИ?**

**МУАММОЛАР БОР. БИРОҚ «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ДАН САЙЛАНГАН 5 НАФАР ДЕПУТАТ САЙЛОВЧИЛАР МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН МАСАЛАЛАРНИ СЕССИЯ КҮН ТАРТИБИГА ОЛИБ ЧИҚИШДАН КўРА, СУКУТ САҚЛАШНИ АФЗАЛ БИЛИШМОҚДА.**

Хўжаобод — Андижон вилоятидаги энгил санат ва ишлаб чиқариш яхши ривожланган туманлардан ҳисобланади. Дунёнинг қатор давлатларида бу ердан миллий маҳсулотларимиз экспорт қилинади. Аҳолисининг кўпчилиги хунармандчилик ва тадбиркорлик билан шуғулланади.

Шу боис туманда «Миллий тикланиш» демократик партияси эътибор қаратиш лозим бўлган масалалар оз эмас. Бунинг устига ЎЗМТДП Сайлов-

олди дастурида айнан миллий кадрларни, хусусан, хунармандчиликни ривожлантириш масаласини асосий вазифалардан бири сифатида белгилаган. ЎЗМТДПдан туман Кенгашига сайланган депутатларнинг бу борадаги амалий ишлари ҳамон сезилмаётир.

Ўтган йили туман Кенгашининг 6 та, жорий йилнинг шу вақтига қадар 3 та сессияси бўлиб ўтди. Уларда «Миллий тикланиш» вакиллари бу масала бўйича бирон-бир

таклиф, ташаббус билан чиқмаган. Мамлакат тараққиётини янги босқичга кўтаришга қаратилган ислохотларнинг ҳозирги жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни тобора юксалиб бораётган бир пайтда бу тумандаги ЎЗМТДП фаоллари ва унинг депутатлари ўз вазифасига лоқайдлик билан қараётганини қандай изохлаш мумкин?

Партия вакиллари хунармандчилик ва оилавий бизнесни ривожлантириш ҳисобига аҳолини иш билан таъминлашга фаол кўмаклашиш ўрнига четдан кузатувчи бўлиб туришни маъқул кўришмоқда.

Ўз ўрнида айтиш керакки, оиласини боқиш учун доимий иш ва барқарор даромад манбаига эга бўлмаган, ammo меҳнатга лаёқатли кишилар, шу билан бирга, ишга жойлашишда қийинчиликка учра-

ётган ёшларни қўллаб-қувватлашда ЎЗХДП ташкилотлари маълум ишларни амалга оширмоқда.

Туман партия кенгаши фаоллари ва партияимиздан сайланган 7 нафар депутатнинг оилавий тадбиркорлик ва касаначилик ривожига алоҳида эътибор қаратаётгани худудда ишлаб чиқариш ҳажми, тури ва сифатини ошириш, иш ўринлари очил, аҳоли турмуш даражасини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда. Улар жойларда бу соҳаларни янада тараққий эттириш борасида юзага келётган муаммоларга жамоатчилик ва ижро ҳокимияти диққатини қаратиш, соҳага оид қонун ва қарорлар ижросини таъминлашда самарали депутатлик назоратини ўрнатиш, шу бўйича изчил мониторинг олиб боришда фаоллик кўрсатишмоқда.

— Мамлакатнинг барқарор ри-

вожланишида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тамоийларининг амалга оширилишини таъминлаш — муҳим вазифа, — дейди **Хўжаобод туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎЗХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Тolibжон Шерматов**. — Шундан келиб чиқиб, партияимиз янги иш ўринлари ташкил этишга йўналтирилган ҳаётий ташаббусларни қўллаб-қувватламоқда. Уйда бола тарбияси билан банд бўлган аёлларни касаначиликка жалб этиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган тарғибот ишлари изчил олиб борилмоқда.

Шу мақсадда жорий йилда партия депутатлик гуруҳи томонидан туман Кенгаши сессиясига янги иш ўринлари яратиш ва шу орқали аҳоли бандлигини таъмин-

лаш масаласи киритилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Айни пайтда унинг ижроси бўйича назорат-таҳлил ишлари олиб борилаёпти.

Бугунги давр сиёсий партиялар зиммасига ҳар қачонгидан ҳам масъулиятли вазифаларни юкламоқда. Бу бежиз эмас. Чунки ҳаёт ўзгараёпти, одамларнинг ижтимоий-сиёсий онги, дунёқарши юксалиб бораёпти. Улар сиёсий партиялардан фақат амалий ишларни кутаяпти. Сиёсий партия тарбияси билан банд бўлган аёлларга эга бўлишининг энг асосий омил, энг муҳим шарт эса электорат ишончини ҳаётий ташаббуслар, амалий ишлар билан қозониши. Бироқ Хўжаобод туманидаги МТДП вакиллари бу ҳақиқатга эътибор қаратмаётган кўринади.

**Гулурух ОДАШБОВЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.**



## Кўрик-танлов

ЯГОНАСАН,  
МУҚАДДАС ВАТАН!

**ВАТАН ТУЙГУСИ ШУНДАЙ АЗИЗ ВА УЛУФ НЕЪМАТКИ, ҲАЁТ ЙўЛЛАРИДА, ОФИР ВА МАШАҚАТЛИ СИНОВЛАРДА ҲАМ ОДАМГА ҲАМИША КУЧ-ҚУВВАТ БАҒИШЛАБ, МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТГА ЧОРЛАБ ТУРАДИ.**

Юртимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шори остида мамлакатимизда кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинаёпти. Ички ишлар вазирлигининг Маданият саройида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг вазирлик миқёсидаги якуний босқичи ўтказилди. Танловда дастлабки босқичларда голиб чиққан йигирма нафардан ортиқ иштирокчи ўз маҳоратини намойиш этди.

Мазкур кўрик-танловда фахр-

ли ўринларни эгаллаган қатнашчилар Ички ишлар вазирлигининг Фахрий ёрлиги ҳамда қимматбах овозлари билан тақдирланди ва улар шу йили август ойида ўтказиладиган Республика босқичига йўлланма олишди.

**Учкун ТИЛЛАЕВ** – Ички ишлар вазирлиги ашула ва рақс ансамбли раҳбари, **Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:**

— Тўрт йилдан буён ўтказиб келинаётган кўрик-танлов Республика Ички ишлар вазирлиги тизими ходимлари ва ҳарбий

хизматчилар ўртасида ҳам Ватан, ватанларварлик ҳақида кўплаб кўшиқлар яратиш имкониятини берди. Мазкур танловда «Мустаҳкам оила» кўшигини ижро этган ансамблимиз голиб бўлди ва кейинги ойда ўтадиган Республика босқичида қатнашади.

**Арепбай АЛЛАНИЯЗОВ, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ Нукус шаҳар ИИБ бўлими командири, 2-ўрин соҳиби:**

— Ватан ҳақидаги кўшиқ юракдан, мағрур туриб куйлансагина дилларга етиб боради. Кўрик-танловда иккинчи ўринни оламан деб ўйламаганим. Бу эътироф ижодимга янада чуқурроқ ёндошишга, зиммамдаги шарафли масъулиятни дилдан адо этишга кўмак беради.

**Абдуалим МАҲМУДОВ, Альбина ЖУМАНОВА.**

## Миллий матбуот марказида

БУГУНГИ КУНДА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ ТИЗИМИДА 15 ТА САНАТОРИЙ ФАОЛИЯТ КўРСАТМОҚДА.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ЎТГАН ЙИЛДАН БОШЛАБ ТИЗИМДА МАВЖУД БАРЧА САНАТОРИЙЛАРНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, УЛАРДА КўРСАТИЛАЁТГАН ТИББИЙ ХИЗМАТ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ, СИҲАТГОҲЛАРНИ ЖАҲОН АНДОЗЛАРИ ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТИББИЙ АСБОБУСКУНАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Бу йилги мавсумда республика миқёсида 900 га яқин болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, шу жумладан, 200 дан зиёд стационар типдаги ва 700 га яқин мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари қошидаги кундузги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият кўрсатиши режалаштирилган эди. 2012 йил 20 июнь ҳолатига 215 та стационар туридаги ва 800 дан ортиқ кундузги болалар оромгоҳи фаолияти ташкил этилиб, уларда 240 минг нафардан зиёд бола дам олди.

Бугунги кунда соғломлаштириш мавсуми қизгин давом этмоқда. Мавсум давомида оромгоҳларда 265 минг нафарга яқин ўғил-қиз-



ни соғломлаштириш режалаштирилган. Ушбу мақсадлар учун 23,1 миллиард сўм маблағ сарфланади.

**Бардамбек САБДУЛЛАЕВ**



Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар.

## Реклама

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ  
МИЛЛИЙ БАНКИ

## ОЧИҚ ОФЕРТА САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Очиқ оферта савдосига Ўзбекистон Республикаси  
Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг қўйидаги  
корхоналарнинг устав фондигаги 100 фоиз улуши қўйилмоқда:

Т/р	Оферта савдосига қўйилган объект ва фаолият тури	Корхона жойлашган манзил	Сотувга қўйилган улуш (%)	Закалат миқдори (%) бошланғич баҳодан	Бошланғич баҳоси Сўм ёки АҚШ долларлари	
					Сўм	АҚШ долларлари
1	«AZIA AYS» МЧЖдаги улуш. Музқаймоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор даҳаси, 26-мавзе, Ширин кўчаси, 7-уй	100 %	1 %	1 628 540 000	924 461,15
2	«KINDER FRUITS» МЧЖдаги улуш. Болалар таомлари ишлаб чиқариш	Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй	100 %	1 %	16 367 616 000	9 550 481,97
3	«TOSHKENT QOGOZI» МЧЖдаги улуш. Қоғоз ишлаб чиқариш	Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 23-уй	100 %	1 %	25 854 000 000	14 802 473,38
4	«NUKUS AGRO» МЧЖдаги улуш. Томат паста ишлаб чиқариш	Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Саманбай қишлоғи	100 %	1 %	2 061 396 000	1 204 754,98

Оферта савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманомаларни Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкига тақдим қиладилар ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан, мазкур эълонда белги-ланган миқдордаги закалат пу-

лини Ўзбекистон Республикаси Миллий банкининг БХКМдаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: х/р: 2980100000000450047, МФО: 00450, СТИР: 200836354.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат тўлови эркин муомаладаги валюта (АҚШ долларлари) да ёки

миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

Оферта таклифларини қабул қилиш муддати 2012 йил 24 август кунини Тошкент вақти билан соат 18:00 да тўхтатилади.

Оферта таклифлари тақдим этилган конвертларни очиб ва

оферта савдосини ўтказиш билан боғлиқ музокаралар 2012 йил 27 август кунини Тошкент вақти билан соат 11:00 да ТИФ Миллий банкида амалга оширилади. Таклифларни очиб вақтида оферта савдосида ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Оферта савдосида энг мақбул таклиф киритган талабгор оферта голиби деб топиллади.

**Тўловларни амалга ошириш тартиби:**

Олдиндан тўлов – сотилиш баҳосининг камида 15% миқдорда, қолган қисми – олди-соти шартномасида белгиланган муддатларда.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шартини сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон

Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентда) бўлиб-бўлиб тўлаш шартини сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига банкнинг АҚШ долларлари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштириш зарур бўладиган давлат божи ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Оферта савдоси ўтказилиши ва оферта ҳужжатларини тўлдириб билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг инвестиция фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш департаментига қўйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси,  
101-уй. Тел: (8-371)234-11-22; 234-15-60.  
Факс: (8-371)234-44-38.  
www.nbu.com.

«ОЛИМПИАДА  
– 2012»  
ШАҲАРЧАСИ ОЧИЛДИ

Лондоннинг Стратфорд туманида «Олимпиада – 2012» шаҳарчаси очилди. Майдони ўттиз олти гектарга тенг ушбу ҳудудда уч минг хонадондан иборат ўн битта кўп қаватли турар-жой биноси барпо этилган. Маълумотларга қараганда, Олимпия ўйинлари давомида бу ерда дунёнинг 205 мамлакатидан вакиллар – ўн олти минг нафар спортчи ва делегация аъзолари истиқомат қилади. Маҳаллий матбуотнинг ёзишчи, Олимпиада ўйинлари яқунланганидан сўнг ушбу шаҳарча турар-жой мажмуасига айлантирилади. Биноларнинг муайян қисмида соғломлаштириш ва таълим марказлари жойлашади.

ЎЗА

ОБ-ҲАВО 24-25 – 07. 2012

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+19 / +24 +34 / +39

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+20 / +25 +34 / +39

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

+19 / +24 +33 / +38

Кашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+20 / +25 +34 / +39

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

+19 / +24 +32 / +37

Тошкент шаҳри

+21 / +23 +36 / +38

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +20 / +25

Париж +18 / +22

Москва +15 / +23

Мадрид +22 / +30

Пекин +24 / +30

Гонгконг +26 / +29

Рим +21 / +28

Афина +25 / +30

Токио +25 / +29

Стокгольм +17 / +22

Кейптаун +11 / +17

Қоҳира +28 / +31

Гавана +25 / +32

Вашингтон +25 / +30

Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи томонидан 2007 йилда Смайлов Ернар Нуридинович номига берилган №789946 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## МУАССИС:



О'ЗБЕКИСТОН  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

## ТАНРИР НАҲ'АТИ:

Abdulla ORIPOV

Latif G'ULOMOV

Bobir ALIMOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

## BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati – 233-10-13; Partiya hayoti – 233-11-49;

Madaniyat va ma'naviyat – 233-09-45;

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot – 233-44-55;

Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot – 233-12-56;

Sport va vatandorlik – 233-44-55;

Reklama va e'lonlar – 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat – 233-72-83, 236-55-17.

## MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot

agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxonaga manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г – 746

10676

nusxada

bosildi.

t – Tijorat materiallari

O'za yakuni – 22.10

Topshirilgan vaqti – 01.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Erkin XOLBOVOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2000-7633

1 2 3 4 5